

FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш принципларининг ўзига хослиги

Бурибеков Бобур Абдуғаффор ўғли
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
марказий девони катта офицери

Аннотация: Ушбу тезисда жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш принципларининг ўзига хослиги ёритилган.

Калит сўзлар: жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи, мувофиқлаштириш, тамойил.

Мувофиқлаштириш фаолиятида барча турдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қамраб олинади ва берилган кўрсатмалар ҳаммаси учун мажбурий бўлиб, белгиланган асосий меъёрий манбаларга таянган ҳолда прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш асосан қонунийлик тамойилига асосан амалга оширилади. Бу тамойил авваламбор прокуратуранинг ҳар бир органи, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва ҳар бир ҳодим жиноятга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнини қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ва қонун асосида амалга оширилишини билдиради.

Мувофиқлаштиришнинг кейинги бир тамойили бу – ўзаро ҳамкорлик бўлиб, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан доимий равишда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўзаро тадбирлар ўтқазиш ва биргаликда фаолият кўрсатиш ва самарали натижаларга эришиш ҳисобланади. Бу тамойилга асосан мувофиқлаштириш фаолиятининг барча иштирокчилари кенгашида кўриб чиқиш учун таклифлар киритиши, тадбирлар ишлаб чиқишида ва маслаҳатда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишади.

Мустақиллик тамойилига асосан ҳар бир ҳуқуқни муҳофazaga қилувchi орган мувофиқлаштириш кенгашининг қарори ва тадбирларини бажаришда мустақилdir. Бунда у ўз ваколатларини қонунда белгиланган ҳуқуқий мақоми бўйича яъни тергов ва суриштирувга тааллуқли бўлган қонуллар, фаолиятини белгиловчи қоида ва низом, кўрсатма ва йўриқномалар асосида амалга оширади. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофazaga қилувchi орган раҳбари мувофиқлаштируvchi кенгаш

FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

қарорининг ижроси учун ўзларига тегишли қисми бўйича мустақил жавобгар хисобланади.

Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари – бу жиноятчилик ҳолатининг биргаликдаги таҳлили, унинг тизими ва динамикаси, ривожланиш суръатини белгилаш, жиноятни аниқлаш, тергаш, фош этиш, огоҳлантириш ва олдини олиш тажрибасини ўрганиш; жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва чет мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан битимлар тузиш ва келиб чиқадиган таклифларни ишлаб чиқиш тажрибасини умумийлаштириш; чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ижобий тажрибаларини ўрганиш ва фаолиятда татбиқ этишда ифодаланишdir.

Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий турларини қўйидагилар ташкил этади, жумладан:

Ўзаро таҳлил – жиноятчилик аҳволи, тенденцияларнинг башорати (прогнози), жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, очиш, уни аниқлаштириш ва олдини олиш борасидаги фаолиятлар хисобланади. Бунда дастурлар ишлаб чиқлади.

Жиноятчиликка қарши курашиш масаласи юзасидан маълумот ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Президент, Олий Мажлис ва ҳукуматга берилади.

Умумийлаштириш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқукий тартибга солиш фаолияти юзасидан амалиётни бирлаштириб, таклифлар киритишdir.

Унда қўйидагилар иштирок этадилар:

Прокуратура органлари, ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати, солик, божхона, Миллий гвардия, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси (суриштирув, дастлабки тергов, тезкор-қидирув, жиноий судловда процессуал назоратни амалга оширувчи) мавжуд бўлган органлар қатнашадилар.

Мувофиқлаштириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирокида координацион кенгаш мажлислари ўтқазиш;

Жиноятга қарши кураш бўйича жорий ахборот алмашувчи;

Ижобий тажрибани ривожлантириш мақсадида жойларга ўзаро ҳаракат қилиш, текширув ва қўйи турувчи органларга жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ёрдам бериш;

Аниқ жиноятларни тергов қилиш учун тергов-тезкор гурухлар тузиш;

FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш, семинарлар, конференциялар ўтқазиш, хавфсизлик чораларини кўриш;

Ўзаро қарорлар, буйруқлар, ахборот хати, ориентировка ва бошқа ташкилий ижро хужжатларни ишлаб чиқиш, тўпламлар тузиш, ярим йиллик ва истиқболли режалар тузиш.

Бу мақсадга эришиш учун судлар билан ҳамкорлик қилинади.

Ўзининг аҳамияти юзасидан йўналишлар – доимий ва динамикка бўлинади. Асос – ҳар бир ҳудуд, мамлакатдаги хуқуқий ҳолат яъни криминоген вазиятдир.

Доимий йўналишга мисол қилиб тегишли давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ хуқуқий актларини назорат қилишини келтиришимиз мумкин. Чунки улар фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларига бевосита таъсир кўрсатади. Динамика эса маълум давр ичida қонунчиликка таъсир кўрсатувчи муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ижро этиш устидан назорат киради. Масалан: меҳнат, уй-жой, пенсия ва фуқароларнинг бошқа хуқуқлари.

Ижтимоий-иқтисодий, криминал ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб йўналишлар белгиланиши мумкин. Бу кўпинча Бош прокурор буйруқлари, йўриқномалари ва тасдиқланган низомларида акс эттирилади.

Юқоридагилардан кўринадики, мувофиқлаштиришнинг принциплари ўзида ягона мақсад – хуқуқий режимни қарор топтириш ва доимий назоратда ушлаб туришни таъминлашга хизмат қиласи. Шунингдек, ушбу принциплар қонунчиликка риоя этиш ва уни қўллаш амалиётидаги тафовутлардан қатъий назар барча хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сўзсиз тан олинади.